

**TRAINING OF FUTURE TEACHERS TO PROFESSIONAL EDUCATIVE ACTIVITY
ON THE BASEMENT OF AAXIOLOGICAL APPROACH**

**АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ
ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ**

**ПОДГОТОВКА БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ К ПРОФЕССИОНАЛЬНО-
ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ АКСИОЛОГИЧЕСКОГО
ПОДХОДА**

Нурумбекова Яржиной Анарматовна

Гулистанский государственный университет, 120100. Узбекистан, Сырдарьинская
область,

г. Гулистан, IV микрорайон.

E-mail: nurumbkova@inbox.uz.

Abstract

The article enlightens the analyze of the system of improving spiritual-moral features, transformation of cognitive and sensual-social, also dialectical unit of individualization of person's introrization with general human values.

Spiritual-moral education, which was developed in our country and enriched with ancient values of our ancestors, leads to improvement of pedagogical process. In the process of the research, there was obtained organization of the process of formation of spiritual-moral features while training future teachers to spiritual-historical values, spiritual-moral bases, professional-educative activities.

Spiritual-moral feature as a complicated social phenomenon in the formation process, closely related with national, spiritual, historical, moral and legal factors. At this point, national and spiritual values are not only historical-spiritual heritage of our nation, but also important factors of education and formation of fully complex person.

On the basement of the analyze, there were obtained and analyzed that spiritual-moral feature has a complicated structure and covers components such as spiritual-moral knowledge, spiritual-moral skills, spiritual-moral qualifications, spiritual-moral features, spiritual-moral advantages.

Keywords: teacher, master-student, spiritual-moral education, axiology, value, students, valuable consciousness, valuable relation, valuable behavior, valuable set, valuable direction.

Аннотация

В статье освещается анализ системы усовершенствования морально-поведенческого качества, трансформации когнитивного и чувственно-социального, а также диалектической единицы индивидуализации лица интроризации с общечеловеческими ценностями.

Морально-поведенческое воспитание, укоренённое в нашей стране, обогащенное с древнейшими ценностями наших предков, приводит к усовершенствованию педагогического процесса. В процессе исследования была определена организация процесса формирования морально-поведенческих качеств при подготовки будущих преподавателей к духовно-историческим ценностям, духовно-нравственной основе, профессионально-воспитательной деятельности.

Духовно-нравственное качество в качестве сложной социальной явления в процессе формирования, тесно связано с национальными, духовными, историческими

нравственными и правовыми факторами. В связи с этим, национальные и духовные ценности являются не только исторически-духовной наследией нашего народа, но и важными факторами воспитания и формирования всесторонне-развитой личности.

На основе анализов, было выявлено и проанализировано, что духовно-нравственное качество имеет сложную структуру, и охватывает компоненты, такие как духовно-нравственные знания, духовно-нравственные навыки, духовно-нравственные квалификации, духовно-нравственные качества, духовно-нравственные достоинства.

Ключевые слова: преподаватель, наставник-ученик, духовно-нравственное воспитание, аксиология, ценность, молодежь-студенты, ценностное сознание, ценностное отношение, ценностное поведение, ценностная установка, ценностное направленность.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маъавий-ахлокий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари” тўғрисида ПҚ-3907-сон Қарорида миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда ижтимоий хушёрлик, маънавий масъулият қадрлаш тўғрисида шаклландирилган оламга қадриятли муносабатнинг тўғри вужудга келтиришда педагог: ўқитувчи-тарбиячи, устоз, мураббийнинг касбий тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Зотан, педагог: ўқитувчи-тарбиячи ўзининг касбий педагогик фаолияти жараёнида минглаб мурғак қалбларга инсонийлик тўғрисида олиб қиради, меҳр улашади, уларнинг руҳиятига таъсир кўрсатиб, қалбларида ватанпарварлик тўғрисида уйғотади.

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланиладиган методлар

Аксиологик ёндошув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш босқичма-босқич, узлуксиз ўзини-ўзи такомиллаштириши ва ўзини-ўзи ривожлантириши учун шароит яратди.

Тадқиқотга оид изланишларимиз шуни кўрсатадики, аксиологик ёндашув асосида талабаларни касбий тарбиявий фаолиятга йўналтириб ўқитишда қуйидаги афзалликлари кўзга ташланади: блажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш ва мутахассислик учун зарур миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўргатишда аудитория ва аудиториядан ташқари соатлардан самарали фойдаланишда; бунинг натижасида, блажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолият ҳақида етарли билим, кўникма, малакага эга бўлишга эришишда ва ҳоказо. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашда аксиологик ёндашув асосида ўқитиш сезиларли ўзгаришларга олиб келиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда педагогик кузатиш, суҳбат, илмий методик таҳлил, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, қиёслаш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Иқтисодиёт, фан ва техника тараққиётида маънавий-ахлокий омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Инсон дунёнинг бутун сир-асрорларини билишга қодир бўлмаса-да, Ҳақ йўлида ҳақиқатни кашф этиб яшашга қодир. Шахсни ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини билишга бўлган эҳтиёж ўз-ўзига бўлган ишончни орттиради. Ўз виждони, оиласи ва жамоаси олдида ҳамиша очиқ юз билан ҳисоб бера олади.

Маънавий-ахлокий ва руҳий поклик шахснинг тарбияланганлик даражасини белгиловчи асосий мезон вазифасини ўтайди. Шахсларро муносабатдаги андишасизлик, дағаллик, қўполлик, бир-бирини кўра олмаслик, саводсизлик, кибр, бахиллик, ичи қоралик, зикналик, ёлғончилик, иғво, адоват, ғийбат, манманлик ва ҳасад кечириб бўлмайдиган

умуминсоний иллат ҳисобланиб, уни бир гап билан, маънавий-ахлоқий нопоклик, деб юритиш мумкин.

Миллий кадриятларимиз улуғворлигининг ўзига хос белгиси сифатида маънавий-ахлоқий етукликка қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина мутасаввуф донишманд, юртпарвар шоир Ҳожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқат - «Яссавия»нинг асосчиси, нафақат Хуросон ва Мовароунаҳр, балки туркийзабон халқларнинг маънавий-ахлоқий кадриятлари ривожига улкан ҳисса қўшган етук инсон сифатида танилган [3].

Озодлик ва юртпарварлик йўлида фидойилик намунасини кўрсата олган, нафақат ўз халқининг, балки умуминсоний ва умумбашарий кадриятларни эъзозлаган буюк ватандошларимиз, ўзбек фарзандлари – Широқ, Тўмарис, Маҳмуд Торобий, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Дукчи Эшон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирларнинг мустақиллик, эрк ва эркинлик, маърифат йўлидаги улкан жасоратлари, миллий ва маънавий-ахлоқий кадриятларимизнинг олий намунасидир.

Тадқиқотга оид таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, ақлли шахс нафақат илмли, билимли, балки эгаллаган илм ва билимини эзгулик, яхшилик, меҳр – мурувват учун сафарбар қила олсагина, у маънавий етук шахс ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг маънавий – ахлоқий асослари ана шу сафарбарликда, ўзини бағишлай олишда, ўз ташвиши билан эмас, ўзгалар дарди, халқ ва Ватан дарди билан ёниб яшашида. Педагог фаолияти унинг фаол ҳаракати, ташкилотчилиги билан чекланиши мутлақо мумкин эмас. Педагогнинг касбий тарбиявий фаолиятига хос фидойилик, яъни ўз билими ва тажрибасини ёшларнинг фаровон ҳаёт йўлини белгилаб беришга йўналтира олса, аллома Ғаззолий табири билан айтганда, ҳақиқий устозлик мақомига эга бўлади. Устоз – мураббий чинакам донишманд даражасидаги инсон ҳисобланади. Демак, ҳар қандай илмли, билимли, тажрибали одам ҳам донишманд бўла олмас экан.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда бир-бири билан узвий боғланган икки жараён яхлит ҳолда амалга ошади. Бу: *биринчидан*, педагог мақомига эга бўлган шахс ўзининг фаолиятида нафақат касбий фикрлаш жараёнини, балки барча инсонийлик амалларига қаратилган яхшилик, меҳр, эзгулик ишларини илм – билим асосида тартибга солади, унга изчиллик, тизимийлик, уйғунлик ато этади ва маънавий – ахлоқий асос беради. *Иккинчидан*, устоз сифатида ўзидаги бор фазилатларни тарбия амалиётида қўллайди. Тарбия олувчига хос бўлган сифатларни шакллантиради.

Ёшлиқ – жўшқин ҳаракат, интилиш, бунёдкорликка ва эртанги кун истиқболига замин ҳозирлайдиган улкан имкониятлар даври. Ана шу имконият қачон ва қандай кўринишда воқеликка айланиши педагог шахсининг касбий тарбиявий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Мақсадларни аниқ белгилаб, унга эришиш йўлида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш, ҳар бир малакали мутахассис олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади [1].

Тадқиқотимиз жараёнида аксиологик ёндошув асосида Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий соҳада юқори касбий натижаларга эришиши касбий мотивацияни кучайтириш, касбий қобилиятни ривожлантириш, касбий компетентликни шакллантириш, ижодий потенциални рағбатлантириш, касбий аксиологик йўналганликка, педагогик фаолиятда муваффақиятга эришиш учун шахсий, касбий имкониятларни аниқлаш ва унумли фойдаланишга интилиш билан белгиланади.

Аксиологик ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашда, асосий аксиологик тушунчалар қаторига қуйидагилар киради: кадрият, кадриятли онг, кадриятли муносабат, кадриятли хулқ-атвор, кадриятли установка, кадриятли йўналганлик.

Онг ўзида юксак қадриятни акс эттиради. «Онг» тушунчаси латинчадан таржима қилинганди *conscire* – билиш, хабардор бўлиш дегани онгсиз ва онг ости ҳолатдан фарқли равишда, ўзида руҳнинг ўрнини англаш учун қўлланилади.

Қадриятли онг – ахлоқий-маънавий тарзда ўз ҳаётий фаолияти соҳаси субъектларини аниқлашга имкон берувчи объектив борлиқни акс эттириш шакли; маънавий қадриятлар дунёси сифатида борлиқни акс эттириш асосида инсонда дунёни ва ўзининг шахсий дунёсини англашида фаол иштирок этувчи психик жараёнлар бирлиги.

Қадриятли муносабат – шахсий ва ижтимоий аҳамиятлилиқнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи талабанинг ички позицияси.

Қадриятли установка – талаба ўзининг ички позициясини англаши ва аниқ қадриятлар билан боғлиқликда педагог сифатида тарбиявий фаолиятга тайёрлик даражаси.

Қадриятли йўналганлик – талаба шахсий қадриятларни ўзлаштириши; ўзлаштирилган қадриятлар асосида салбий сифатларни ижобийга ўзгартириш; талабанинг ўз-ўзини, ўз фаолиятини, лойиҳалай ва ўз-ўзини башорат қила олиши. Шахсий аҳамиятга эга ижтимоий қадриятлар билан боғлиқликда атроф-борлиққа субъектнинг баҳоси сифатида қаралади. Қадриятга йўналганлик мақсадни очиб беради, қизиқиш, эҳтиёж, шахснинг эътиқодини тавсифловчи идеаларни акс эттиради.

Қадриятли ёндашувда фақатгина талабанинг тажрибасигагина эмас, балки биринчи навбатда, одамзот томонидан тўпланган тарихий тажрибаларга таянилади. Бу эса, маълум бир меъёр ва мезонлар тизими бўлиб, ҳар бир шахс фойдаланиши мумкин бўлган маънавий фаолият чегараларини белгилаб беради.

Қадриятли ёндашувлар ахлоқий идеалларда ўз аксини топади, булар эса бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятида мақсадли равишда олий кўриниш ҳосил қилади. Идеаллар ўзида белгиланган мақсадларни намойиш этиб, бу дунёқарашлар тизимининг олий қадриятидир. Улар кўппоғонали ҳақиқатни идеаллаштириш жараёнини ниҳоясига етказишади.

Ахлоқий идеаллар, ўз навбатида, талаб ва эҳтиёжлар ривожланиши даражаси ютуқларини шартлайдики, бу эса айнан инсонпарварликка тўғри келади. Улар инсонпарварлик қадриятларининг бирлигини ўзида акс эттиради, айнан жамият ривожланиши эҳтиёжининг мутахассис сифатида шаклланаётган талаба шахси эҳтиёжларига тўғри келишидадир. Ривожланиш инсонпарвар ахлоқий идеаллар сифатида характерланиб намоён бўлади, шунинг учун ҳам улар талабани маънавий-ахлоқий такомиллаштириш мотиви сифатида намоён бўлади. Идеалларни тарихий давр ва авлод боғлаб туради, энг яхши инсонпарварлик анъаналарини ворисийлик билан эгаллаб олиади ва биринчи навбатда бу таълим-тарбия орқали амалга ошади.

Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда талабанинг ҳуқ-атвори мўлжалга олинади, инсонпарварликка йўналганлигини аниқлайди ва қадриятли баҳолаш асоси сифатида намоён бўлади.

Дунёқараш талаба қадриятли муносабатининг концептуал интерпретацияси контексти сифатида майдонга чиқади, императив ҳуқ-атвор – меъёр сифатида, қадриятли муносабат – у ёки бу тизимга инвариант сифатида намоён бўлади. Айнан мана шундай кўринишда дунёни билиш акси ва қадриятли муносабат маънавий бошқарилиши ҳам йўналтирилади ҳамда мазмунан бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолияти ва ҳуқ-атворини ташкиллаштиради.

Шунинг учун тарбия ижтимоий-ташкиллаштирилган умуминсоний қадриятлар интериоризацияси жараёни сифатида кўрилиши мумкин. Қадрият фаолият мотивини уйғотувчи куч сифатида қачонки, талаба томонидан интериоризацияланса, ички мавжудликни зарур лаҳзаларини тақдим этса, талба бўлажак ўқитувчи сифатида касбий тарбиявий фаолияти мақсадини аниқ шакллантира олса, унинг инсонпарварлик маъносини кўра олса, мақсадларни амалга оширишнинг самарали воситаларини топса, тўғри ва ўз

вақтидаги назорат, ўз хатти-ҳаракатини тузата олса ва баҳолай олгандагина, аниқ намоён бўлади [4,226].

Интериоризациянинг психологик механизми талаба маънавий эҳтиёжлари динамикасини тушунишга имкон беради. Талаба келажакдаги бўлажак ўқитувчи сифатида касбий тарбиявий фаолиятини ўзининг ички хатти-ҳаракатини жой-жойига қўйиб, уни ижтимоий талабларга мос равишда башорат қилади ва ички ҳолатига трансформациялайди. Танлаб олинган объект эҳтиёжларга айланади, яъни интериоризация механизми ишга тушади.

Аксиологик ёндашувда таълим жараёни иштирокчилари нимага интилиши зарурлиги, қандай натижага эришиши кераклигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Мақсад аниқ вазифалар тизими сифатида амалга оширилади. Мақсад ва вазифалар ўзаро яхлит бўлиб улар қисмлар сифатида уйғунлашади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятини такомиллаштиришга аксиологик ёндашувда таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад ва вазифалар қўйилади, жараён иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлари амалга оширилади, белгиланган ташкилий шакл, метод ва воситалардан фойдаланилади, қулай шарт-шароит яратилади, талабалар рағбатлантирилади, педагогик жараён билан бошқа ташкилий жараёнлар орасидаги алоқадорлик таъминланади. бошқарувчилик, хулосалар чиқариш имконини беради. Қайтар алоқа жараёнини сифатли кечишини таъминлаш лозим бўлиб, унинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ҳар қайси педагог муҳим масала сифатида устивор аҳамият бериши зарур. Чунки қайтар алоқа иш самарадорлигини белгиловчи мезон вазифасини ўтайди.

Интерфаол таълим методларидан талабаларнинг мустақил изланувчан ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади. Бундай методлар ўқув материални мустақил равишда моҳиятига тушунган ҳолда ўзлаштирилишига имкон беради. Маҳсулдор ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этишда интегратив дарс, тренинг, дебат, психокаррекция ривоятлар, энержайзрлар, видеороликлар, “Аҳамиятли йўналтириш”, “Ассесмент”, “SWOT” таҳлил, “СМАРТ”-методи, “Шахсий фикр”, “Венн диаграммалари”, “Т-схемаси” “SCORE” каби интерфаол методлар қўлланилади..

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга қизиқиши, эҳтиёжи, қатъий ишончи ва қобилияти унинг касбий тарбиявий йўналганлигини ташкил этади. Унинг касбий йўналганлик даражаси касбий тарбиявий тайёргарликка, ва у ўз навбатида касбий тарбиявий компетентликка эришишга олиб келади, бу талабанинг касбий тарбиявий фаолиятда компетентлиги даражасини белгилайди.

Тадқиқотимиз жараёнида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштирида аксиологик ёндашув асосида: ташкилий услубий, тарбиявий ва таълимий ишларни амалга ошириш белгиланди (1-расм).



1-расм. Компетентли педагог, тарбиявий фаолиятни самарали ташкил қиладиган мутахассисни шакллантириш механизми

Аксиологик ёндашув асосида талабаларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашга оид назарий ва методик ишларни амалга ошириш; педагогик таълим соҳасининг барча йўналишларда “Ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолияти” махсус курс ўқув дастурини ишлаб чиқиш; гуруҳ раҳбарининг ахборот-маънавият соатларини миллий мазмунда бойитиш; талабаларни касбий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган турли семинар-тренинглар ташкил этиш каби аксиологик йўналган ташкилий ишларни бажариш; талабаларни аксиологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион, мотивацион, интеллектуал имкониятлари аниқланиб, аксиологик таълим муҳитини яратишнинг методик таъминоти: ўқув-услубий манбалар, электрон таълим ресурсларини такомиллаштириш, уларнинг мазмунига тадқиқот ғояларини сингдириш.

Аксиологик йўналган тарбиявий ишларда-талабаларнинг ҳозирги ҳолатини “Ассесмент” техникасида таҳлил қилиб, истиқбол режаларини “Ассесмент”, “SWOT”, “SMART”, “Шахсий фикр” усулида ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш; аксиологик ёндашувни жорий этишнинг инновацион дидактик тузилмаси, ўқув-билиш фаолиятини аксиологик ёндашув асосида касбий тарбиявий фаолиятга йўналтириш усуллари (талабани касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш дастури, педагогларни касбий тарбиявий фаолият профессограммаси) орқали талабани касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш моделини, талабанинг касбий компетентлик даражасини ошириш, талаба шахсини ривожлантириш, касбий тарбиявий фаолиятга маънавий-ахлоқий тайёрлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш;

Аксиологик ёндашув асосида “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Умумий психология”, “Ривожланиш психологияси. Педагогик психология”, “Педагогик маҳорат”, “Оила педагогикаси”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Ижтимоий педагогика”, “Халқ педагогикаси. Қиёсий педагогика” фанларини аксиологик ёндашув асосида касбий тарбиявий фаолиятга йўналтириб ўқитишни такомиллаштириш;

Талабанинг касбий тарбиявий фаолиятга қизиқиши, эҳтиёжи, қатъий ишончи ва қобилияти унинг касбий тарбиявий фаолиятга йўналганлигини ташкил этади. Унинг касбий тарбиявий фаолиятга йўналганлик даражаси касбий тайёргарликка ва ўз навбатида касбий компетентликка эришишга олиб келади.

Касбий компетентлик – шу соҳа тўғрисида асосли фикр юритишга имкон берувчи ва унда самарали ҳаракат қилишга тегишли билимлар ва қобилиятларга эга бўлади.

Касбий тарбиявий фаолиятни самарали олиб борадиган компетентли педагог – таълим-тарбия назарияси ва амалиётини мукамал эгаллаган, касбий тарбиявий фаолиятда самарадорликка эришишдаги билимлар ва қобилиятлар йиғиндисидир.

Аксиологик ёндашув асосида таълим-тарбияни ривожлантиришда:

Юқорида мутахассислик ўқув режасига киритилган фанларни аксиологик ёндашув асосида касбий йўналтириб ўқитишни жорий этиш, бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлаш;

Талабаларни ўзи танлаган йўналиш бўйича назарий билимлар, амалий кўникмалар билан қуроллантириш билан бирга унинг шахсий-касбий фазилатларини шакллантириш, талаб даражасида малакага эришиши, касбий тарбиявий фаолиятни мустақил бошлаш, ўзига ишонч, ташаббускор, кўтаринки рух, ижодкорлик, ибрат-намуна, ўзини-ўзи назорат қилиш, баҳолаш ва ривожлантириш каби хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Бизнингча, олий таълим муассасаларининг педагогика таълим соҳасига кирадиган йўналишларда 5110900 – Педагогика ва психология, 5111600 - Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими, 5111700 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, 5112000 –Жисмоний маданият, 5111100 – Мусиқа таълими йўналишларда умумкасбий, ихтисослик фанларини инновацион-аксиологик ёндашув асосида касбий тарбиявий фаолиятга йўналтирилган ўқитиш тизимини ташкил этиш лозим.

Таълимни илмийлиги ва илм асосида билим эгаллаш принципига мувофиқ олиб боилаётган изланишларимиз 5110900 – Педагогика ва психология йўналишида “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик психология”, “Оила педагогикаси”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Ижтимоий педагогика”, “Халқ педагогикаси. Қиёсий педагогика” фанлар, қолган юқорида санаб ўтилган педагогик йўналишларда ўқитиладиган “Умумий педагогика” (педагогика назарияси, педагогика тарихи, педагогик маҳорат бўлимлари), фани баъзилари икки, уч семестрга бўлиб ўқитилиши режалаштирилган ва шу асосда таълим жараёни йўлга қўйилган. Ушбу фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш учун уларни ўқитишда инновацион-аксиологик йўналтирилган ўқув-тарбиявий ишларни амалга ошириш бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга тайёрлашни мувафакқиятини таъминлайди.

Тадқиқот ишини олдида турган вазифалар юзасидан олиб борган кузатувларимиз шуни кўсатдики ўқув фанларни ўзлаштиришнинг юқори марраларига эришиш мақсадида

инновацион-аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий тарбиявий фаолиятга йўналтирилган ўқитиш тизимини амалга ошириш, фанларни ўқитишда касбий компетентликни, касбий креатив қобилиятини шакллантиришни ривожлантириш орқали, талабаларда касбий тарбиявий фаолиятга оид билимларини эгаллашда юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Шунингдек, олий таълим тизимининг педагогик йўналишидаги малака талабларини тўлақонли бажарилишини қамраб олинганлиги, ўқув дастурлари дарс ва дарсдан ташқари фаолиятга қўйилган талабларга мос равишда ташкил этиш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш, талабаларнинг касбий тарбиявий фаолиятга тайёргарлигини талаб даражасига етказди.

Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчи мутахассисларнинг тарбиячилик соҳасида юқори касбий натижаларга эришиши касбий мотивацияни кучайтириш, касбий қобилиятни ривожлантириш, касбий компетентликни шакллантириш, ижодий потенциални рағбатлантириш, касбий аксиологик йўналганликка, фаолиятда муваффақиятга эришиш учун шахсий имкониятларни аниқлаш ва унумли фойдаланишга интилиш билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Абдукаримов Ҳ. Касбий педагогик фаолият. –Т.:Ўқитувчи, 2010.–160 б.
3. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа/тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи фил. фан. докт., проф. Ҳ. Болтабоев.–Т.:Ўқитувчи, 2005. –400 б.
4. Слостенин В.А. Исаев И.Ф. Шиянов Е.Н. Общая педагогика. – М.: Владос, 2002. –256 с.
5. Кошифий Ҳусайн Воиз. Ким билан дўстлашиш керак (Сўнгги сўз муаллифи Ҳ.Ҳомидов). –Т.:Чўлпон, 1992.–32 б.

Reference:

1. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2017 yil, 6-son, 70-modda.
2. Abdukarimov H. Kasbiy pedagogik faoliyat. –T.:O'qituvchi, 2010.–160 b.
3. Islom tasavvufi manbalari (Tasavvuf nazariyasi va tarixi). Ilmiy majmua/tuzuvchi, so'zboshi va izohlar muallifi fil. fan. dokt., prof. H. Boltaboev.–T.:O'qituvchi, 2005. – 400 b.
4. Slastenin V.A. Isaev I.F. Shiyonov E.N. Obhaya pedagogika. – M.:Vlados, 2002. – 256 s.
5. Koshifiy Husayn Voiz. Kim bilan do'stlashish kerak (So'nggi so'z muallifi H.Homidov). – T.:Cho'lpon, 1992.–32 b.